

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМЛАРНИ ТАРҚАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОРЕЯ ТАЖРИБАСИ

И.Б.Рустамова,
ТДАУ доценти, и.ф.н.
E-mail: extensionuz@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Жанубий Корейнинг Агротехнология марказлари ва қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш фаолияти бўйича тажрибаси баён этилган. Мақолада қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш агротехнология марказларининг ташкилий тузилмаси, мақсад, вазифалари, асосий функциялари тавсифланган. Муаллиф томонидан Корей тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр тармоғида ахборот маслаҳат хизматини янада ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.

Аннотация: В данной статье изложен опыт Кореи по деятельности центров агротехнологий и распространению сельскохозяйственных знаний. В статье приводится организационная структура, цели, задачи и основные функции центров агротехнологий и распространению сельскохозяйственных знаний. Исходя из зарубежного опыта Кореи автором предложены рекомендации по дальнейшему развитию информационно-консультационных услуг в аграрном секторе экономики Узбекистана.

Abstract: This article describes Korea's experience in the activities of agricultural technology centers and the dissemination of agricultural knowledge. The article describes the organizational structure, goals, objectives and main functions of the centers of agricultural technologies for the extension of agricultural knowledge. Proceeding from Korea's foreign experience, the author offered recommendations on the further development of information and consulting services in the agricultural sector of Uzbekistan.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари, инновацион технологиялар, агротехнологиялар, янги навлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш, деҳқончилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги билимлари, билимларни тарқатиш, қишлоқ консультатив хизматлар, семинар, тренинг, дала кунлари.

Кириш

Ҳозирги замон шароитида жаҳон фани ва инновация фаолиятнинг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили ҳисобланади [2].

Иқтисодиётда бошқарув тизимининг эскирганлиги, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмаганлиги ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологияларни, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг суғлиги ҳам иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда [1].

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги фани ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалиги экинларининг кўпгина янги навларини етиштириш агротехнологияларини, ўсимликларни касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг биологик усулларини таклиф этмоқда. Аммо бевосита ишлаб чиқарувчиларда, яъни фермер ва деҳқонларда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновацион илмий

ишланмалар тўғрисида билим ҳамда ахборотларга талаб мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда, агросаноат мажмуи (АСМ) субъектларига илғор технологияларни жорий этиш амалиётини ўргатиш ва технологик масалалар бўйича қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига маслаҳат бериш тармоқнинг рақобатбардошлигини оширади ва АСМда модернизация қилишни жадаллаштириш имконини беради. Бу борада хориж тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Аграр тармоқни ривожлантиришда Корея давлати қишлоқ хўжалигининг инновациялардан фойдаланиш тажрибасини қўриб чиқамиз.

Кореянинг эгаллаган майдони 101148 кв.километрни ташкил этади, шундан 18,1 % қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратилган, аҳолиси 51,4 млн киши, ялпи ички маҳсулоти 1,411 триллион АҚШ долларига тенг, улардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуши 2,2 %ни, саноатники 32,9%ни, хизматлар 59,2 %ни ташкил қилади.

XX асргача қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулоти гуруч бўлган, аммо ҳозир маҳсулот турлари аҳамиятли даражада кенгайган бўлиб, кўплаб мева, сабзавот, чорвачилик маҳсулотини ва ўрмон хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олади. Ўсимликчилик қишлоқ хўжалигининг асоси ҳисобланади, унда гуруч устунлик қилади. Гуруч экиладиган асосий туманлар денгиз бўйи пасттекистиклари яқинида жойлашган.

Ўртача йиллик ҳосил 6,3 млн тонна бўлиб, ички эҳтиёжларни деярли тўлиқ қондиради. Донли экинлар орасида иккинчи ўрин арпага тегишли, буғдой ва маккажўхори унча катта бўлмаган ҳажмларда етиштирилади, Соянинг ҳосили йилдан-йилга ошиб бормоқда. Техник экинлар: каноп, тамаки ва мойли экинларни етиштириш аҳамиятли даражада ўсган. Муҳим йўналишлардан бири сабзавотчилик бўлиб, хитой карами, түруп, саримсоқ, пиёз ва бошқалар етиштирилмоқда. Қўзикорин ва цитрус мевалар етиштириладиган хўжаликлар ривожланмоқда.

Мамлакатда олма, нок, шафтоли, узум, апельсин, япон хурмоси ва бошқалар ўстирилади. Сабзавотларнинг каттагина қисми йирик шаҳарлар яқинидаги иссиқхона хўжаликлариде етиштирилади.

Чорвачилик Жанубий Кореяда узоқ йиллик тарихга эга, мамлакатда йирик шохли қорамол, чўчка, товук, эчки, кўён ва ўрдаклар боқилади. Маҳаллий зотли йирик шохли қорамолларнинг бош сони мамлакат ғарбида аҳоли энг зич жойлашган туманларда тўпланган. Кореяда ипакчилик узоқ йиллик анъаналарга эга. Унинг асосий ареали ярим оролнинг Жанубидаги тоғлиқ ҳудудлардир. Балиқчилик денгиз қирғоғи атрофидаги сувларда ривожланган. Уларда анчоуслар, ставрида, қайиш балиқ, барракуда, минтай, қилич балиқ, креветкалар, саккизоёқ ва бошқа турдаги моллюскалар, истеъмолга яроқли сув ўтлари ўстирилади. Корея қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инновацион технологиялар муҳим аҳамиятга эгадир. Кореяда инновациялардан фойдаланишда қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш (extension) тизими самарали йўлга қўйилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Илм – муайян бир соҳа бўйича эгалланган билимларнинг мантиқий тартиблантирилишидир. Олинган билимларнинг тизимга солиниши ва англанишидир. Фақат англаниш ва тизимга солинган билимларига бошқаларга ўргатиш мумкин [3]. Шу боисдан ҳам илм қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни билим савиясини юксалтиришда катта амалий аҳамиятга эгадир.

АҚШда қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича билимларни тарқатиш хизмати 1862 йилда шакллана бошлаган, айнан шу пайт қишлоқ хўжалиги таълими ва фанини ташкил этиш ва билимларни фермерлар ўртасида тарқатиш тўғрисида қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ, мазкур функциялар штатларнинг қишлоқ хўжалиги коллежларига юклатилган. Федерал даражада билимларни тарқатиш хизмати 1914 йилда яратила бошланган, айнан шу пайт уни яратиш тўғрисидаги Смит-Левеер қонуни қабул қилинган [7].

Буюк Британия миллий қишлоқ хўжалиги маслаҳат хизмати 1946 йилда қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва озиқ-овқат вазирлиги қошида ташкил топган. Ҳозирги кунда ушбу хизмат вазирликнинг қатор бошқа хизматлари билан бирлаштирилган ва Қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳат хизмат кўрсатиш ва илмий тадқиқотлар хизмати (ADAS) деб аталади. У учта даражада фаолият юритади: марказий, минтақавий ва маҳаллий [5].

Данияда қишлоқ хўжалиги ахборот-маслаҳат хизматини шаклланиши ва ривожланиши 1870-1890 йилларга тўғри келади. У даниялик фермерлар Уюшмаси томонидан даниялик оилавий фермерлар Ассоциацияси билан биргаликда ташкил этилган қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатади ва бошқарилади. Хизмат 90 фоизга фермерлар томонидан, аъзолик бадаллари ва шахсий маслаҳат хизматларининг муайян турлари учун тўлов кўринишида ва 10 фоизга давлат томонидан молиялаштирилади [6].

Тадқиқот методологияси


Аграр тармоқда инновациялардан фойдаланишнинг хориж тажрибасини ўрганиш мақсадида муаллиф томонидан Жанубий Кореянинг қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш (extension) тизимини, вилоят ва туман даражасидаги агротехнология марказлари фаолиятини монографик тадқиқоти ўтказилди. Тадқиқот жараёнида умумлаштириш, тизимли ёндашув, монографик, статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Бизга маълумки ахборот-маслаҳат хизмати, билимларни тарқатиш, инновацияларни ўзлаштириш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва уларни даромадларини оширишнинг муқобил дастурларини амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектларга ҳам, қишлоқ аҳолисига ҳам турли экологик-иқтисодий хизматларни кўрсатиш қишлоқ ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитларига таъсир ўтказади [4].


Буни аграр тармоқни ривожлантиришда аҳамиятли ўрин тутадиган Жанубий Корея қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш (extension) тизими мисолида кўриб чиқамиз.

1962 йилда Корея республикасида “Қишлоқ хўжалиги ҳудудларини ривожлантириш” қонуни қабул қилинган. Бу қонунга асосан 1962 йилда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти ташкил этилган (RDM). Унинг 3-даражали тузилмаси 1-расмда кўрсатилган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти (RDM) таркибига қишлоқ хўжалиги фанлари Миллий академияси, ўсимликшунослик Миллий институти, боғдорчилик ва доривор ўсимликлар Миллий институти ва чорвачилик Миллий институти киради.



1-расм. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти (RDM) 3-даражали тузилмаси

Бу илмий тадқиқот институтларининг тажриба станцияларида инновацион технологиялар яратилади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти (RDM)нинг ҳудудий марказлари 9та вилоятни ўз ичига олади, уларда 42та тажриба станцияси, 156та туман агротехнология марказлари фаолият кўрсатади. Вилоят ва тумандаги агротехнология марказлари ўз йўналишларининг ихтисослигига қараб фаолият олиб боради (2-расм).




2-расм. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти (RDM)нинг ташкилий тузилмаси.

Республиканинг 250та шаҳарларидан бири бўлган Ёнжу шаҳри extension хизматининг ривожланиши бўйича Корея давлатининг 156 туманидаги агротехнологиялар марказлари ичида 10таликка киради. Ёнжу шаҳрида 8000 деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларда 18200 нафар ишчилар истиқомат қиладилар. Уларнинг ер майдони ўртача 1,83 гектарни ташкил этади [8].

Женшеннинг ватани бўлган Ёнжу шаҳрида асосан 3000 гектар ер майдони олма етиштиришга ҳамда чорвачилик тармоғининг қорамолчилиги ва паррандачилиги соҳасига йўналтирилган. Ёнжу агротехнологиялар маркази 20 гектар ер майдонига эга, шундан 7 гектарига олма, шафтоли, узум экилган.

Ўзининг МТПси мавжуд бўлиб, арзон нархларда қишлоқ хўжалиги техникаларини деҳқонларга ижарага беради. Ёшларни қўллаб-қувватлаш маркази технологияларни жорий этишда ва ўқитишда қўмаклашади.

Ёнжу шаҳридаги бу ташкилотни молиялаштириш қуйидагича тақсимланган. Ёнжу агротехнологиялар маркази extension хизматини амалга ошириш учун давлат бюджетидан йиллига 51 млн. АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари ажратилади ва қуйидагича тақсимланади. (3-расм)



3-расм. Ёнжу агротехнологиялар марказининг молиялаштириш манбаи ва унинг тақсимланиши

Ёнжу туманида 5000 гектар ер майдонида гуруч етиштиришлари учун деҳқонларга 5 млн. АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари берилади. Бу маблағ Ёнжу агротехнологиялар маркази умумий бюджетининг 10 фоизини ташкил этади. Ернинг унумдорлигини ошириш учун органик ўғит сотиб олишга ҳам деҳқонларга маблағ берилади.

Кореяда Фермерлар уюшмаси орқали деҳқонлар томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотувга чиқариш ёки қайта ишлаш учун алоҳида пул маблағлари берилади. Лабораторияларни қуриш учун бюджетдан 30 фоиз маблағ сарфланади.

Университетларнинг қишлоқ хўжалиги факультетларида агроном, ветеринар, мева, сабзавот, полиз, узум, дончилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги йўналишларининг битирувчилари extension хизматига қабул қилинади.

Extension хизмати мутахассисларининг иш ҳақи учун 2та разряд белгиланган бўлиб, унда 1-5 разряд паст, 6-10 разряд эса юқори ҳисобланади. Битта мутахассис томонидан йилига ўртача 1000та маслаҳат ўтказилади. Ёнжу Extension хизмати деҳқонларнинг маҳсулотларини сотиш учун бозорларни қандай қилиб топиш йўллари йўргатади. Деҳқон ва фермер хўжаликларига технологияларни жорий этиш бўйича мутахассислар салоҳияти қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти томонидан баҳоланади.

Ёнжу Ехтеншн хизмати мутахассислари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти лабораторияларида инновациялар ва уларни жорий этиш бўйича ўқитилади, кейин улар деҳқонларга қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатади.

Қишлоқ хўжалиги билимлари бепул тарқатилади. Туман Extension хизмати томонидан қўйидаги курслар ташкил этилади.

1. Экинларни экишдан олдин агротехнологик тадбирларни амалга ошириш бўйича ўқитиш; (январь-февраль)

2. “Университет” курси; (йил давомида)

3. Ихтисослашган тренинглар [8].

Вилоят ва туман агротехнологиялар марказида тадқиқотларни олиб бориш ва инновацион технологияларни яратиш учун 70 фоиз, технологияларни тарқатиш учун 10 фоиз ва бошқа ишларни амалга ошириш учун 20 фоиз пул маблағлари давлат томонидан молиялаштирилади. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулоти бўлган шолини етиштиришда меҳнатнинг 96 фоизи механизация ёрдамида бажарилади. Бошқа экинлар бўйича механизациялаш даражаси пастроқ, бу ҳолатни яхшилаш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти тегишли саъий-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Шу билан бирга масофавий ўқитиш ҳам йўлга қўйилган. Масофавий ўқитиш Корея деҳқонларига сайт орқали корейс тилида олиб борилади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти ходимлари ва университетларнинг профессор-ўқитувчилари аграр соҳадаги билимларини тарқатишга ёрдам берадилар [8].

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, Жанубий Корея давлатининг қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш (extension) тизими қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Бизнингча, Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр тармоғини инновацион ривожлантиришда юқорида қайд этилган extension тизимининг мақбул жиҳатларини танлаб олиш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий тадқиқот институтлари, уларнинг вилоят ва туманларда жойлашган илмий-тажриба станциялари ва экспериментал хўжаликларида уч даражали (республика, вилоят ва туман) қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш (extension) тизимини ташкил этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномаси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сонли фармони. www.lex.uz
3. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари./ Нашрга тайёрловчилар: М.Бекмуродов, К.Куронбоев, Л.Тангриев.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.-92 б.(86 б)
4. Адилова Ш.И., Рустамова И.Б. Аграр тармоқда ахборот-маслаҳат хизматлари тизимини такомиллаштириш. Монография. Т.: Fan va texnologiya, 2013, 184 бет (13, 23 б).
5. Great Britain. Agricultural development and advisory service, ADAS research. 1996/1997. S.p., 1997. - 68 с
6. The Danish agricultural advisory centre. Stocarstvo, G. 54, sv. 2, 2000.
7. Rasmussen W.D. Yakjng the university to the people, Seventy-five years of cooperative extension. Ames (Iowa), Iowa state univ.press, 1989. - 300 с.
8. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Маъмурияти (RDM)нинг 2018 йилги маълумотлари.